


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ- ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИ



**Биз билан молиявий
саводхонликни ошириш
жуда осон!**



@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

www.finlit.uz



БАНК МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

**Finlit.uz – молия оламидаги
шахсий навигаторингиз**

Банкоматдан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари



Банкомат орқали нақд пул ечиб олаётганингизда, банк картангизни ва ҳисобингизни тўлдираётганингизда, қолаверса, валютани алмаштираётганингизда қўйидаги асосий қоидаларга риоя қилишингиз керак:

- Банкоматда амалга оширган операциянгиз якунланиши билан 30 сония ичida картангизни ва нақд пулингизни олинг акс ҳолда, банкомат уларни ушлаб қолиши мумкин
- Агар нотаниш одам сизга ўз картасидан сизнинг картангизга тўлов тизими орқали пул ўтказиб бериш йўли билан пулини нақд қилиб олмоқчилигини билдирса, рад жавобини беринг. У фирибгар бўлиб чиқиши ва келажакда банк картангиздан пул ечишда давом этиш эҳтимоли юқори
- Кечаси ёритиш воситалари билан яхши ёритилмаган жойларда картангиздан пул ечманг, чунки фирибгарлар асосан шундай жойларда пайт пойлади
- Паролни киритишда ҳар доим тўлов терминалини ёки банкомат клавиатурасини қўлингиз билан ёпинг
- Паролни тўғри киритишга ҳаракат қилинг, чунки агар сиз уни уч марта нотўғри киритсангиз, банк картангиз блокланади



Агар банкоматларда муаммога дуч келсангиз нима қилиш керак?

- 1 биринчи навбатда, банкоматга шикаст етказманг ва уни очишига уринманг
- 2 операцияни "Бекор қилиш тугмаси" орқали тўхтатинг. Бу ҳолатда техник носозлик автоматик тарзда бартараф этилиши мумкин
- 3 банкоматда кўрсатилган "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, вазиятни тушинтиринг



Унутманг! Миллий банк карталарининг пин-кодини тиклаб бўлмайди. Агар сиз пин кодингизни унуган бўлсангиз, янги пин код қўйиш учун хизмат кўрсатувчи банк билан боғланишингиз керак

Баъзи банк иловаларида сиз халқаро карталарнинг ПИН кодларини мустақил равишда ўрнатишингиз ва ўзгартиришингиз мумкин

Транзакцияларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келган тақдирда, сиз банкоматда кўрсатилган рақамга ёки хизмат кўрсатувчи банкингизга қўнғироқ қилишингиз керак